

**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг
Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси
8-сонли Ш А Р Т Н О М А**

Наманган ш.

“25” ноябрь 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Ш.Имамов биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи “GREAT KOMPLEKS” МСНҲ директори Ш.Абдурахманов орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” Норин туманига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сонли қарорига асосан 10 та “Енгил типдаги иссиқхона” куриб бериш хизмати.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

№	Товар хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Суммаси	Умумий суммаси	Харажаат коди
1	“Енгил типдаги иссиқхона” 1 сотихли	10	8 248 000	82 480 000	4821190
	жами	10		82 480 000	

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ҚҚС билан **82 480 000 (Саксон икки миллион тўрт юз саксон минг) сўмни** ташкил қилади.

2.2 “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 30 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиҳа смета ҳужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси, фото лавхалари билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва "Бажарувчи"нинг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзата келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, шизолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, шизолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддати ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича шизо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. "Буюртмачи" томонидан дастлабки тўлов ва "Бажарувчи" томонидан ишлар топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш "Буюртмачи"ни тўловнинг кечиктириш ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юристуви субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхага ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

6.8. Шартнома 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

6.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг бажариш ва молиялаштириш жадвали. (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси
Манзили: Наманган шаҳар Тўрақўрғон кўча 206-а уй
Тел: 99-970-64-82
СТИР: 207338343



«БАЖАРУВЧИ»

Номи "GREAT KOMPLEKS" МСНЖ _

Манзили: Уйчи туман Умид МФЙ
Баҳор кўчаси
Тел: 90-751-29-80 _

Ҳисоб-рақами 20208000505100733001 _



МУХОКАМА АХБОРОТИ

25 ноябрь 2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган вилояти ҳудудидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил “22” ноябрдаги № 22110012190607- сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Норин туман 10 нафар кам таъминланган фуқаролар хонадонларига “**Енгил типдаги 1 сотихли иссиқхона қуриш**” (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **ООО DILSHODA XURSHID TOMORQA XIZMATI, MUSAFFO-DAVR-SANOAT MCHJ, GREAT KOMPLEKS MCHJ**лар томонидан берилган таклифлар орасида **GREAT KOMPLEKS MCHJ** комиссия аъзолари энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлиги Наманган
вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Бўлим бошлиғи



И.Имамов

К.Соходиллаев

Ғ.Махмудов